



LANGUAGE MEANS OF EXPRESSING GRATITUDE IN THE UZBEK LANGUAGE

Mirjalol Olimovich Ziyaev

Lecturer

"Mendeleev" private school

Fergana, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: terms of intonation, expressing gratitude, Uzbek language.

Received: 19.07.23

Accepted: 21.07.23

Published: 23.07.23

Abstract: This article discusses the language means of expressing gratitude in the Uzbek language. Speech acts must be formed not only in terms of intonation, but also syntactically. In other words, speech acts cannot be formed by intonation alone. For this, it is necessary to create a syntactic structure in the structure of a sentence or a text by means of specific language units and to find their composition in terms of intonation. As speech acts occur through speech or text, their essence can change based on intonation.

ЎЗБЕК ТИЛИДА МИННАТДОРЧИЛИКНИ ИФОДАЛОВЧИ ТИЛ ВОСИТАЛАРИ

Миржалол Олимович Зияев

Ўқитувчи

Менделеев хусусий мактаби

Фарғона, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: интонатсия, терминлари, миннатдорчилик билдириш, ўзбек тили.

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек тилида миннатдорчиликни ифодаловчи тил воситалари ёритилди. Бошқача айтганда, фақат интонациянинг ўзи билан нутқий актларни ҳосил қилиб бўлмайди. Бунинг учун муайян тил бирликлари воситасида гап ёки матн тузилишдаги синтактик структура ҳосил қилиниши ва улар интонацион жиҳатдан таркиб топиши лозим. Нутқий актлар гап ёки матн орқали воқеланар экан, уларнинг моҳияти интонация асосида ўзгаришга учраши мумкин.

ЯЗЫКОВЫЕ СРЕДСТВА ВЫРАЖЕНИЯ БЛАГОДАРНОСТИ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

Мирджалол Олимович Зияев

преподаватель

Менделеевская частная школа

Фергана, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: интонационные термины, благодарность, узбекский язык.

Аннотация: В данной статье были освещены средства выражения благодарности в узбекском языке. Иными словами, речевые акты не могут быть образованы одной лишь интонацией. Для этого необходимо создать синтаксическую структуру в структуре предложения или текста с помощью определенных языковых единиц и найти их интонационный состав. Поскольку речевые акты происходят через речь или текст, их сущность может меняться в зависимости от интонации.

КИРИШ

Ҳар бир тилда миннатдорчилик ифодалашнинг ўзига хос усуллари, тил воситалари мавжуд. Бу ҳолат мазкур ходисанинг нафақат универсал, балки миллий-маданий хусусиятга ҳам эгаллигини кўрсатади. Ўзбек халқи миннатдорлик ҳиссини, асосан, қуйидаги усулларда билдиради: махсус тил бирликлари орқали, новербал воситалар - ўнг қўлни қўксига қўйиб, бошни хиёл эгиш; бош эгиб, таъзим қилиш, елкани қўл билан қоқиб қўйиш, қўз қараши орқали миннатдорчилик билдириш; совға, гул, пул кабиларни бериш; эҳтиром кўрсатиш, меҳрибончилик қилиш, бирор бир ишда қўмак бериш, мулоқотдоши қўлидан келмайдиган ишни амалга ошириш, жамоа орасида уни қўллаб-қуватлаш кабилар. Лингвистика учун тил воситалари орқали миннатдорчилик ифодаланишини ўрганиш муҳим.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбек тилида миннатдорчиликни ифодаловчи воситалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Лексик воситалар. Бундай воситаларга *раҳмат, ташаккур, ташаккур билдирмоқ, қуллуқ, қуллуқ қилмоқ, миннатдор, миннатдор бўлмоқ, миннатдорчилик билдирмоқ, балли, баракала* кабилар киради.

2. Синтактик воситалар: Буларга грамматик жиҳатдан шаклланган ва мулоқотга шу ҳолатида олиб кириладиган *миннатдорчилик изҳор қилмоқ, ташаккур изҳор қилмоқ, ташаккуримни қабул қилинг, ташаккурлар бўлсин, миннатдорчилик билдиришга рухсат*

бергайсиз, “Оллоҳ (Сиздан) рози бўлсин!”, “Худо рози бўлсин!”, “Ўзи рози бўлсин!”, “Сизни Оллоҳ сийласин”, “Барака топинг”, “Яшанг!”, “Бор бўлинг!”, “Отангга раҳмат!”, “Отангга балли!” “Ота-онангга раҳмат!” “Отангизга минг раҳмат!”, “Устозингизга раҳмат!”, “Сенга таълим берган устозингга раҳмат!” каби синтактик конструкциялар киради.

3. Интонация. Миннатдорлик оҳанги миннатдорчилик нутқий актларини ҳосил қилувчи интонацион восита саналади.

Кўринадики, миннатдорчиликни ифодаловчи тил воситалари ранг-баранг бўлиб, тилнинг лексик, грамматик сатҳлари, интонацион тизимини қамраб олади. Ушбу бирликларнинг айримлари тил сатҳида ҳамда контекстуал аспектда вариативлиги жиҳатидан ҳам ажралиб туради.

Миннатдорчиликни ифодаловчи тил бирликлари миннатдорлик ҳиссини ифодалашига кўра умумий функционал-семантик майдонга бирлашади. Ушбу майдоннинг ядро қисмидан *раҳмат*, *ташақкур*, *миннатдор(ман)*, *миннатдорчилик билдираман*, *миннатдорчилик изҳор қиламан*, *ташақкур билдираман*, *ташақкур изҳор қиламан* каби лексик, синтактик бирликлар ўрин олса, чегара қисмидан *Оллоҳ (Сиздан) рози бўлсин!*, *“Худо рози бўлсин!”*, *“Ўзи рози бўлсин!”*, *“Сизни Оллоҳ сийласин!”*, *“Барака топинг!”*, *“Яшанг!”*, *“Бор бўлинг!”*, *“Отангга раҳмат!”*, *“Отангга балли!”* *“Ота-онангга раҳмат!”* *“Отангизга минг раҳмат!”*, *“Устозингизга раҳмат!”*, *“Сенга таълим берган устозингга раҳмат!”* каби синтактик конструкциялар ўрин олади.

Ушбу бирликлар семантикаси, қўлланиш ўрни, услубий хусусиятларига кўра биридан фарқланади. Жумладан, услубий жиҳатдан нейтрал ҳисобланган *раҳмат* сўзи миннатдорчиликни ифодаловчи сўз сифатида нутқда энг кўп қўлланилади. Ушбу сўз ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган. Луғатшунос И.Жавҳарий бу сўз арабча رَحْمَةٌ (р-ҳ-м) ўзагидан олинган бўлиб, *меҳрибонлик*, *хушмуомалалик*, *раҳмдиллик*, *меҳр-шафқат*, *хайрихоҳлик* маъноларини англатишини қайд этган. Интернет манбаларда раҳмат сўзининг *“Аллоҳ сенга раҳм қилсин!”* маъносини англатиши ҳам кўрсатилган.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса *раҳмат* сўзининг *шафқат*, *марҳамат*, *меҳрибонлик* тушунчасини англатувчи арабча сўз эканлиги, ўзбек тилида ташақкур ва миннатдорчиликни ифодалашда ишлатилиши қайд этилган. Дарҳақиқат, ўзбек тилида ушбу сўз барча нутқ услубларида миннатдорчиликни ифодалашда эркин ишлатилади.

Сўзловчи миннатдорлик ҳиссининг интенсивлигини оширишни кўзда тутганда *раҳмат* сўзи олдидан *катта*, *каттадан-катта*, *юракдан*, *чин қалбдан* бирликларини

қўллайди. Бундай вазиятда миннатдорлик ҳиссининг самимийлиги, унинг чин юракдан билдирилаётганлиги англашилади.

Ёки *раҳмат* сўзида унлини чўзиб талаффуз қилиш орқали сўзга коннотатив маъно юклайди:

– ***Раҳма-ат, саломат бўлинглар!*** – дея хитоб қилди у машишқларга. (Ҳ.Султонов. “Бир оқшом эртаги”)

Раҳмат сўзи сўзлашув нутқида кўп ишлатилувчи *Отанга раҳмат!*, *Ота-онанга раҳмат!* каби миннатдорчилик нутқий актлари таркибида келганда ҳам миннатдорчили ҳиссий муносабати янада кучли ифодаланади. Бундай вазиятда яхлит синтактик конструкция орқали миннатдорчилик билдирилади.

Мазкур сўз нутқда *чексиз, беҳад, бениҳоя, минг бор, минг карра, минг марта* бирликлари билан бирга ишлатилганда миннатдорчиликнинг миқдор жиҳатдан ортиқлиги ифодаланади.

Ўзбек тилида миннатдорчиликни ифодаловчи *миннатдор(ман)*, *миннатдор бўлмоқ*, *миннатдорчилик билдирмоқ* сўзларининг ҳам қўлланиш частотаси юқори. Бу сўзлар, айниқса, бадий ва пулицистик услубларда кўп учрайди.

Миннатдор(ман), *миннатдор бўлмоқ*, *миннатдорчилик билдирмоқ* сўзлари ижобий бўёққа эга бўлиб, салбий муносабатни ифодалашда ишлатилмайди. Масалан:

Мўйсафид ҳассасига таяниб ўрнидан турди-да, титроқ товуш билан:
– *Ҳазрат бегим, кечикиб бўлса ҳам, сизга ҳамдардлик билдиргани келдим!* – деди.

– ***Миннатдормен, тақсир,*** – деди Ҳамида бегим ҳам ўрнидан кўтарилиб.
(П.Қодиров. “Ҳумоюн ва Акбар”)

Яна келдинг ҳадяга тўлиб,

Кутмоқдайди сени интизор.

Қадамингдан миннатдор бўлиб

Зарра-зарра тўкилади қор... (А.Орипов. “Хуш келибсан, Янги йил”)

Сўзлашув нутқида фаол қўлланиувчи *баракалла* ва *балли* сўзлари кўпроқ катталар томонидан кичикларга миннатдорчилик билдиришда, уларни макташ, олқишлашда ишлатилмоқда.

Баракалла сўзи арабча *بارك الله فيك* сўздан олинган бўлиб, сида *Аллоҳ сизларга барака берсин!*, *Аллоҳ баракотли қилсин!* маъноларини англатади. Манбаларда ушбу сўзнинг келиб чиқиши ҳадислар билан боғланиши ҳақида қуйидаги далиллар келтирилган: “Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: “Сизларга ким бирор яхшилик қилса уни мукофотлангиз. Агар мукофотлашга бирор нарса тополмасангиз, унинг ҳаққига дуо

килинг”, деганлар (*Абу Довуд ривоят қилган*). Яна бир ривоятда Оиша розияллоху анҳо бундай дейди: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга бир қўй ҳадя қилинди. У зот менга: “Уни тарқатиб юборинг”, дедилар. Тарқатиб қайтган ходимадан ҳадяни олганлар нима деганларини сўрадим. У: “Аллоҳ сизга барака берсин”, дедилар, деди. Мен ҳам уларнинг ҳаққига “Аллоҳ уларга ҳам барака берсин”, деб улар каби дуо қилдим ва шу билан ҳадямиз беғараз бўлди”.

Англашиладики, *баракалла* сўзи аслида қилинган бирор яхшиликка нисбатан билдириладиган дуо саналади. Аммо бугунги кунда бу сўзнинг кўпмаъноли сўз сифатида катталар томонидан ёшларга нисбатан уларнинг бирор бир ҳаракатидан мамнунликни, маъқуллашни, мактовни, тасдиқни, шунингдек, норозилик, қоникмаслик туйғусини ифодалашда қўлланиши кўп учрамоқда.

Бугунги кунда *баракалла* сўзининг миннатдорчиликни ифодалашда қўлланиши ўзбек халқининг нутқий этикетларидан бирига айланган. М.Ҳакимовнинг таъкидлашича, “...катталарнинг кичикларга нисбатан миннатдорчилик туйғусини “*баракалла*” сўзи билан ифодалашни нутқий этикет кўринишларидан биридир ва у меъёрий одат деб қаралади”.

Худди шундай, *балли* сўзининг ҳам нутқда маъқуллаш, тасдиқлаш, мактов, таҳсин; чўзиб талаффуз этилганда норозилик, кесатиқ маъноларини ифодалашда қўлланиши фаоллашган. Аммо бу сўз нутқда сўзловчининг миннатдорлик ҳиссини акс эттиришда ҳам ишлатилади. Қиёсланг:

1. *Қайтанга биз ўзимиз онамга кўмаклашишга, юмушларни айтмаслариданоқ бажариб қўйиб, “балли, болам” деган олқишларини олишга уринардик.* (Н.Элмирзаева. “Эртак тингламай ўсаётган болалар”)

2. – ... *Совға қилган туфдонинг куч берди менга, тозалик, тартибга чорлади. Балли, балли!* (М.Умрзоқов. “Турмуш чорраҳаларида: буқаламунгина отажоним-а!”)

Биринчи гапда *балли* сўзининг олқишлашда қўлланганлиги кузатилади. Кейинги гапда эса бу сўз сўзловчининг берилган совғага миннатдорлик ҳиссини акс эттирган.

Балли сўзининг миннатдорчиликни ифодалашда қўлланиши *Отангга балли!* синтактик конструкциясида ҳам кузатилади:

– *Ҳар куни бир пачкадан чексанг, ойига – нақд уч минг сўмдан зиёдроқ кетаркан!..*

Капалагим учиб кетди. Наҳот, ҳисоб-китоб қилмасдан чекавераман? Отангга балли, тажсанг! Шу тобда кўзимни мошдек очдинг! Чекиш фақат соғлиққа эмас, чўнтакка ҳам катта зарар экан-ку. (Т.Эшбек. “Журналист бўлиш осонми?”)

Миннатдорчилик нутқий актлари таркибида қўлланувчи *Ташақкурлар бўлсин*”, *Раҳматлар бўлсин!* конструкциялари кўпроқ поэтик нутққа хосланганлиги билан ажралиб туради. Масалан:

Волида-ю падарларга қуллуқ ва раҳмат!

Ташақкурлар бўлсин нурли инсон зотиға. (А.Орипов. “Жаннатга йўл”)

Миннатдорчилик нутқий актларини ҳосил қилувчи *қуллуқ, қуллуқ қилмоқ* лексик воситаларининг сўзловчининг миннатдорлик ҳиссини ифодалашда қўлланиши кўпроқ тарихий асарларда кузатилади. Масалан:

Сиз салтанатимизнинг вакили сифатида Хуросон юртини сўрайсиз. Бу ҳақдаги фармони олий сизга тақдим этилади. – Қуллуқ, ҳазрати олийлари! – деди ўрнидаи туриб, қайта-қайта таъзим қилар экан, Малик Муҳаммад бу сахийликдан ҳаяжонланиб... (Н.Қобул. “Ётти иқлим ҳокони ёхуд ахт ва тахт”)

– Ўғил кўрибсиз, жаноби оталиқ – деди Ҳамида бегим. – Муборак бўлсин! – **Қуллуқ, ҳазрат бегим.** Бизга не хизматлар бор? Билгали келдим. (П.Қодиров. “Хумоюн ва Акбар”)

– Эшитдингизми? – деди. – Ҳазрат онам сизга “шерқиз!” деб таҳсин айтдилар.

– Чинданми, а? – Мен ҳам эшитдим! – деди бўз отлиқ Гулбадан бегим. Ҳамида бону ҳаяжон ичида отини толор томонга бурди-да, қўлини кўксига қўйиб, Хонзода бегимга **қуллуқ қилди.** (П.Қодиров. “Хумоюн ва Акбар”)

Мулоқот жараёнида инсоннинг миннатдорлик ҳиссини кучли ифодалашда, уни бўрттириб кўрсатишда *ташақкур, ташақкур билдирмоқ, миннатдор, миннатдор бўлмоқ, миннатдорчилик билдирмоқ, қуллуқ, қуллуқ қилмоқ* каби лексемалари олдидан чин қалбдан, чин юракдан, чин дилдан, қалбдан, юракдан, дилдан, жуда, ниҳоятда, гоятда, бениҳоя, беҳад тарзидаги интенсивликни оширувчи бирликлар қўлланилади. Қиёсланг: *чин юракдан ташақкур, дилдан миннатдор бўлмоқ, чин қалбдан қуллуқ қилмоқ, жуда миннатдор, бениҳоя миннатдор бўлмоқ, беҳад миннатдорчилик билдирмоқ* кабилар. Масалан:

1. – **Илтифотингиз учун қалбимдан ташақкур этамен,** – деди Султонмурод титроқ овоз билан, – сизнинг маърифат дарёнгиздан баҳраманд бўлмоқ қадар улуғ саодатни тасаввур этмоқ имконсиздир... (Ойбек. “Навоий”)

2. – **Яратиб берилган шароитлардан, ғамхўрликдан беҳад миннатдорман,** – дейди Наргиза, – уйим иш жойимга яқингина. (А.Мамарасулов. “Наргизанинг ишхонаси”)

Аммо интенсивликни кучайтирувчи бу воситалар миннатдорчиликни ифодаловчи сўзларнинг ҳар бирига бир хилда бирикавермайди. Масалан, *жуда ташақкур, гоятда*

ташақкур, ниҳоятда ташақкур билдирмоқ, жуда қуллуқ, зоятда қуллуқ тарзида бирикмалар ҳосил қилиб бўлмайди.

Миннатдорчиликни ифодаловчи лексик воситалар *чексиз, минг марта, минг карра, минг бор (минг бора), тоабад, бир умр, ўлгунча (ўлгунимча)* бирликлари билан боғланганда миннатдорлик ҳиссининг миқдор жиҳатдан кўплиги, чексизлиги англашилади. Аммо бу бирликлар ҳам барча миннатдорчиликни ифодаловчи лексик воситаларга бирикиб келавермайди. Масалан:

– *Ҳазрат бегим, мен сиздан тоабад миннатдормен!* (П.Қодиров. “Ҳумоюн ва Акбар”)

Умрим, эй, сен билан қилиб ифтихор,

Бўлайин ўлгунча мен ҳам миннатдор. (Ғ.Ғулом. “Танланган асарлар”)

Довотим қуримади, мудом фахрия битай,

Энг улуғ аждодлардан ҳаёлимга ёғсин нур.

Шундай зотларни берган халқимга таъзим этай,

Ғуруримга ғурурдош ким бўлса – минг ташақкур. (А.Орипов. “Аллома”)

Не-не мусибатда қолиб бошимиз,

Не кулфат тортмадик сен билан бирга,

Ҳалол, покизадир еган ошимиз,

Минг карра ташақкур пешона терга. (Ғ.Ғулом. “Хотин”)

Англашиладики, миннатдорчилик категориясининг воқеланишида миннатдорчиликнинг миқдорий белгиси ҳам муҳим ўрин тутди.

Ўзбек тилида *-лар* аффикси билан ҳам миннатдорчиликнинг кўп марта билдирилиши ифодаланади:

Кўнгил боғлаганлари қутилмаган туҳфадан ҳайрат-ҳаяжонга тушишади, миннатдор бўлиб, эвазига унга қулиб-қулиб боқишади, раҳматлар айтишади. (Э.Аъзам. “Пақананинг ошиқ кўнгли”)

Шуниси характерлики, мазкур аффикс баъзида миннатдорлик ҳиссини кучайтиришда ҳам ишлатилади. Бу вақтда *-лар* аффикси полифункционал хусусиятга эга бўлади. Масалан:

Чин дилдан раҳматлар айтурмиз бугун

Саховатли эллар оиласига. (А.Орипов. “Авлодларга мактуб”)

Мулоқот жараёнида миннатдорлик ҳиссининг интенсивлигини оширишда, шунингдек, чуқур сўздан фойдаланилади. Бу сўз *миннатдор(ман), миннатдорчилик*

билдираман, миннатдорчилик изҳор этаман бирликлари олдидан қўлланиб, миннатдорик ҳиссини бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади. Масалан:

*Таваллуд топган куним муносабати билан чин юракдан ўзларининг самимий табрик ва қутловларини йўллаб, эзгу тилаklarини билдирган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, чет эллик сиёсат ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, ишбилармон доиралар вакилларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, турли касб эгалари бўлган барча ватандошларимизга **чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман.*** (Ш. Мирзиёев нутқидан)

Айрим ҳолларда *минг сўзи раҳмат* сўзидан олдин келиб, миннатдорчиликнинг интенсивлиги, яъни кучли эканлигини акс эттиради. Бундай вақтда билдирилган миннатдорчиликнинг миқдор жиҳатдан кўплиги англашилмайди. Масалан:

Минг раҳмат кўксимни нурларга кўмиб,

Тақдирим йўлидан ўтганинг учун. (Г.Асқарова. “Шеърлар”)

Худди шундай, *Отангизга минг раҳмат!*, *Устозингизга минг раҳмат!* нутқий актларида ҳам *минг сўзи* орқали миннатдорчиликнинг миқдорий белгиси эмас, балки сифатига, унинг кучли эканлигига ишора қилинади.

Нутқда миннатдорчиликни ифодаловчи лексик бирликларнинг плеонастик қўлланишида ҳам ҳиссий муносабат кучли ифодаланади. Бундай ҳолатда миннатдорчилик ифодаси алоҳида таъкидга эга бўлади.

1. Миннатдорчиликни билдирувчи бир бирлик такрор қўлланади. Масалан:

– *Қойилман, Ефим Данилович! Мана энди, – деди кафтларини ишқалаб, – баҳорга фабрика тайёр деяверинг! Кранни айтмайсизми! Нондай зарур эди-я, билишганини қаранг! **Раҳмат-э, раҳмат!*** (А.Мухтор. «Опа-сингиллар»)

2. Миннатдорчиликни билдирувчи ҳар хил бирлик бирга қўлланади. Бундай ҳолатда маъновий такрор юзага келади. Масалан:

Магазин сотувчиси бир йигит бизнинг арзимизни диққат билан эшитгач, хушчақчақлик билан келин-куёвни самимий табриклаган бўлди.

– *Тўй бўлсин, ишқилиб, бахтли бўлинглар.*

– ***Раҳмат, ташаккур.*** (Н.Аминов. “Куёв сарпоси излаб...”)

Шунингдек, миннатдорчилик нутқий актидан сўнг тилак билдирувчи жумлаларни келтириш орқали ҳам сўзловчининг миннатдорлик ҳисси кучли ифодаланади. Масалан:

– ***Раҳмат, укам,*** – дадам яна бошини ҳам қилди. – ***Сиз бизларни сийласангиз, сизни Худо сийласин.*** (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Биринчи гапда қўлланган *барака топинглар*, кейинги мисолдаги *Сиз бизларни сийласангиз, сизни Худо сийласин* конструкциялари тилак характерида бўлса-да, миннатдорчилик нутқий актидан сўнг қўлланиб, сўзловчининг миннатдорлик ҳиссини кучли ифодалашга хизмат қилган.

Бундай ҳолатда миннатдорчилик нутқий актларига эмоционал баҳо муносабати қўшилади. Бундай баҳо ижобий характерда бўлиб, кўтаринки оҳангда ифода этилади. Шу сабабли Н.И.Формановская миннатдорчилик ифодасини “хайрихоҳлик, адресатга амалга оширган хизмати учун ҳурмат яққол намоён бўладиган нутқий вазият ва нутқий ҳаракатга киритади”.

Т.В.Ларина эмоционал баҳо миннатдорчилик объектига берилган баҳо, мулоқотдошга бўлган муносабат, унинг фазилатлари ёки ҳаракатларини баҳолаш кабиларни англатишини эътироф этади. Унинг фикрича, баъзи ҳолларда ҳиссий баҳо ошкора миннатдорчиликдан ҳам аҳамиятлироқ, яъни ҳиссий баҳони билдириш баъзан раҳмат айтишдан кўра муҳимроқдир”.

Дарҳақиқат, миннатдорчилик билдиришда нафақат миннатдорлик ҳисси ифода этилади, балки у орқали адресантга, амалга оширилган яхшилик, эзгу ҳатти-ҳаракатга ҳам баҳо берилади. Масалан, ўзбек халқи тўйга таклифнома қабул қилганда шунчаки “*Раҳмат!*” дейиш билан чекланмайди. Бунда, албатта, келин ва куёвга “*Бахт тилайман!*”, “*Бахтли бўлишин!*” тарзидаги нутқий репликалар орқали ўз тилагини билдиради ва шу орқали тўй маросими, унинг асосий қаҳрамонларига нисбатан ижобий муносабатини намоён қилади.

Худди шундай, миннатдорчилик ифодасига нисбатан жавоб репликаси сифатида ўзбек халқи мулоқот жараёнида “*Арзимаиди*”, “*Ёрдаим текканидан хурсандман!*”, “*Сизга ҳам раҳмат!*”, “*Саломат бўлинг!*”, “*Сог бўлинг!*” каби тайёр қолипдаги гаплардан фойдаланишади.

Ўзбек тилида миннатдорчиликни ифодалашда яхлит синтактик конструкция шаклидаги бирликлар ҳам ишлатилади. Бундай бирликлардан *миннатдорчилик билдиришига рухсат бергайсиз*, *миннатдорчилик изҳор қиламан*, *ташаккур изҳор қиламан*, *ташаккуримни қабул қилинг* кабилар, асосан, расмий нутқда қўлланади. Масалан:

Ҳурматли Муса Тажетдинович!

Сизга ва Сиз орқали бутун Қорақалпоғистон Республикаси халқига 27- апрель куни кузатилган кучли шамол ва ёгингарчилик туфайли Бухоронинг табиий офатдан зарар кўрган ҳудудларига жўнатилган энг зарур қурилиш материаллари ва озиқ-овқат

маҳсулотларидан иборат гуманитар ёрдам учун **ташаккур изҳор қиламан**. (Бухоро вилояти ҳокими **К.Камолов**нинг Қорақалпоғистон халқига миннатдорчилик хати)

Ёки:

*Тугилган кунимга 60 йил тўлиши муносабати билан узоқ-яқиндан қутловлар, табрикнома ва мактублар йўллаган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, хорижий сиёсат ва жамоат арбоблари, ишбилармон доиралар вакилларига, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, барча ватандошларимга ўзимнинг самимий **миннатдорлигимни изҳор этаман**. (ЎЗР Президенти Ш.Мирзиёев)*

Миннатдорчиликни ифодалашда тайёр қолипдаги *Оллоҳ (Сиздан) рози бўлсин!*, *Худо рози бўлсин!*, *Ўзи рози бўлсин!*, *Сизни Оллоҳ сийласин*, *Отангга раҳмат!*, *Отангга балли!*, *Ота-онангга раҳмат!*, *Отангизга минг раҳмат!*, *Устозингизга раҳмат!*, *Сенга таълим берган устозингга раҳмат!*, *Барака топинг!*, *Яшанг!*, *Бор бўлинг!* каби синтактик конструкциялар ҳам фаол ишлатилади.

Кейинги йилларда юртимизда ислом динини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида нутқий мулоқотда миннатдорчиликнинг *Оллоҳ (Сиздан) рози бўлсин!*, *Худо рози бўлсин!*, *Ўзи рози бўлсин!*, *Сизни Оллоҳ сийласин* нутқий актлари орқали билдирилиши кўп учрамоқда. Бундай нутқий актлар, асосан, диний соҳа вакиллари, катта ёшдаги кишилар нутқида фаол қўлланиб, уларда миннатдорлик ҳисси тилак билдириш орқали ифодаланади.

Отангга балли!, *Ота-онангга раҳмат!*, *Барака топинг!*, *Яшанг!*, *Бор бўлинг!* каби синтактик конструкциялар эса сўзлашув услубига хос. Улардан *Барака топинг!*, *Яшанг!* синтактик конструкциялари сўзловчининг миннатдорлик ҳиссини олқиш орқали, *Бор бўлинг!* тилак билдириш орқали ифодалашга хизмат қилади. Масалан:

Қори беписанд илжайди. Сўнг чилдирмани одатдагидек так-так чертиб, хирқироқ овоз билан бошлади:

– *Ишқингда мани волаю ҳайрон яратибдур...*

– **Яшанг**, *Қори ака, сиздан бошқа ҳеч ким ўлмасин!* (Ҳ.Султонов. “Бир оқшом эртаги”)

– *Айтган нарсангизни бериб юбордим.*

– **Бор бўлинг, она!** (Сўзл.)

Ўзбек тилида миннатдорчилик нутқий актларининг ҳосил қилинишида интонация ҳам муҳим роль ўйнайди. Миннатдорчилик нутқий актларида ҳиссий муносабат ифодаланиши сабабли бу нутқий акт тури ўзига хос интонацияга эга бўлади. Оғзаки

шаклдаги миннатдорчилик нутқий актларида овоз темпининг баланд, кўтаринки оҳангда, майин ҳолатда бўлиши бу турдаги нутқий актларда интонациянинг ўзига хослигини кўрсатади. Ёзма нутқда муаллиф бундай оҳангни акс эттиришда *миннатдорлик оҳангида, миннатдор оҳангда, миннатдорлик оҳанги билан* тарзидаги бирикмалардан фойдаланади. Масалан:

Содиқнинг қизил укки кўзлари ўйнаб жавоб берди:

– Ғам еманг, ака, хом бўлса, ўбдан пиши тармиз, ўлмасак.

Содиқнинг бу жавоби Ҳомиднинг ишончини мойлазандек бўлди, тўпписини бошидан олиб наматка ташлағач, миннатдорлик оҳанги билан:

– Сан билан Жаннат опам тирик бўлсаларингиз пиши тармиз, албатта! – деди...
(А.Қодирий. “Ўткан кунлар”)

– Уйлантириб қўяйлиқми сизни?

Тойир ака миннатдор оҳангда кулди.

– Э, жонингдан, тақсир, – деди, – энди бўлмайди. (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”)

Самимий оҳанг ижобий характердаги миннатдорчилик нутқий актларига хос муҳим белгидир. Нутқ эгаси самимий миннатдорчилигини билдиришда майин, самимийликка ишора қилувчи овоз тонини танлайди. Ёзма нутқда бу ҳолат *самимий оҳангда* бирикмаси билан берилади.

Англашиладики, ўзбек тилида миннатдорчилик нутқий актларининг шаклланишида интонациянинг ўрни муҳим. Умуман, ўзбек тилида нафақат миннатдорчилик нуқий акти, бошқа акт турларининг ҳосил қилинишида ҳам интонациянинг аҳамияти катта. М.Ғозиева “Баҳор келди жумласининг уч хил оҳанг билан талаффуз қилиниши “хабар”, “сўроқ”, “ҳаяжон” нутқий актларини юзага келтиришини таъкидлайди. Унинг фикрича, “нутқий актни ифодаловчи асосий восита бу интонациядир. Қолган лексик, фразеологик, синтактик бирликлар интонация билан биргаликда нутқий вазиятни юзага чиқишида хизмат қилади”, “нутқий актларни ҳосил қилувчи асосий восита интонация бўлиб, у нутқий акт турларини фарқлашга ҳам хизмат қилади. Бу жараёнда овознинг паст-баландлиги, оҳангнинг ўзгариши, темпининг тез-секинлиги, паузанинг узун-қисқалиги ҳам муҳим аҳамият касб этади”.

Бизнингча, бу ўринда интонациянинг нутқий актларнинг ҳосил қилишдаги ролига ортиқча баҳо берилгандек. Нутқий актлар нафақат интонацион жиҳатдан, балки синтактик жиҳатдан ҳам шаклланиши шарт. Бошқача айтганда, фақат интонациянинг ўзи билан нутқий актларни ҳосил қилиб бўлмайди. Бунинг учун муайян тил бирликлари воситасида гап ёки матн тузилишдаги синтактик структура ҳосил қилиниши ва улар интонацион

жиҳатдан таркиб топиши лозим. Нутқий актлар гап ёки матн орқали воқеланар экан, уларнинг моҳияти интонация асосида ўзгаришга учраши мумкин. Шу жиҳатдан нутқий актларнинг турларини белгилашда интонация ҳам муҳим ўрин тутди.

ХУЛОСА

Хуллас, ўзбек тилида миннатдорчилик коммуникатив категорияси инсоннинг миннатдорлик ҳиссини ифодаловчи махсус тил бирликлари: лексик ва синтактик воситалар ҳамда интонация ёрдамида ифодаланади. Миннатдорчилик категорияси бирликлари миннатдорчилик нутқий актларини ҳосил қилишга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. الجوهرى إسماعيل. مصدر: الصحاح. - بيروت: دار العلوم للملايين، 1979. - ج: 5. - ص. 1929.
2. <https://savollar.islom.uz/s/59233>; <https://islom.uz/maqola/3216>
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б. 363. (– 687 б.)
4. Чўлпонов Ш. “Баракалла”да савоб бор // <http://old.muslim.uz/index.php/english/maqolalar/item/3387>
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 1-жилд.– Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, – 2006. – Б.164 (– 680 б.); Vikilug‘at // <https://uz.wiktionary.org/wiki/barakalla>
6. Ҳақимов М. Ўзбек прагматингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 20.
7. Янги Ўзбекистон // <https://yuz.uz/file/newspaper/cf5a39b3ec92518f0fa4266642fb2-e6d.pdf>
8. Формановская Н. И. Речевой этикет в русском общении: теория и практика. М.: ВК, 2009. – С. 229. (– 333 с.)
9. Ларина Т.В. Категория вежливости и стиль коммуникации. – М.: Рукописные памятники Древней Руси, 2009. – С. 194.
10. <https://joqargikenes.uz/qr/3448.html>
11. <https://kun.uz/13436900>
12. Ғозиева М. Нутқий акт турларининг фарқланишида интонациянинг ўрни // Илмий хабарнома. – Андижон: АндУ, 2018. – №3. – Б. 88-89.